

**ЮЕ - ЧЖИЛАРНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁГА
ЖОЙЛАШУВИ ҲАМДА ЎТРОҚ ВА КЎЧМАНЧИ
АХОЛИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЎЗАРО
МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИДАН**

Askhat Biiukuziev, Ўзбекистон Миллий университети, (PhD)

**THE LOCATION OF THE EU-CHS IN CENTRAL
ASIA AND THE HISTORY OF THE
INTERACTIONS OF RESIDENT AND MIGRANT
POPULATIONS**

Askhat Biiukuziev, National University of Uzbekistan, (PhD)



<https://orcid.org/:0000-0003-0076-5289>

e-mail: bii1982@bk.ru

**РАСПОЛОЖЕНИЕ ЮЕ - ЧЖИ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ
АЗИИ И ИСТОРИЯ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ
ПОСТОЯННОГО И МИГРАНТНОГО
НАСЕЛЕНИЯ**

*Askhat Biiukuziev, Национальный университет Узбекистана,
(PhD)*

**THE LOCATION OF THE EU-CHS IN CENTRAL
ASIA AND THE HISTORY OF THE
INTERACTIONS OF RESIDENT AND MIGRANT
POPULATIONS**

Askhat Biiukuziev, National University of Uzbekistan, (PhD)

Аннотация: Жаҳонда Ўрта Осиёдаги қадимий давлатчилик ва шаҳарсозлик анъаналари, минтақада кечган миграция жараёнлари ва уларнинг ўлка халқлари ҳаётига таъсирига оид қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур мақолада Юе-чжиларнинг Марказий Осиё кенгликларига жойлашуви ҳамда ўтрок ва кўчманчи аҳоли вакилларининг ўзаро муносабатлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Кушон империяси, Қанғ давлати, Юе-чжилар, Марказий Осиё, антик давлатлар.

Abstract: In the world, a number of studies are being carried out on the traditions of ancient statehood and urban development in Central Asia, migration processes in the region and their impact on the lives of the peoples of the country. This article analyzes the location of the Yue-zhi in Central Asian latitudes and the interaction between the representatives of the settled and nomadic population.

Key words: Kushan Empire, Kang state, Yue-zhi, Central Asia, ancient states.

Аннотация: В мире проводится ряд исследований, посвященных традициям древней государственности и градостроительства в Центральной Азии, миграционным процессам в регионе и их влиянию на жизнь народов страны. В данной статье анализируется размещение юэ-чжи в широтах Средней Азии и взаимодействие представителей оседлого и кочевого населения.

Ключевые слова: Кушанская империя, государство Кан, Юэ-чжи, Средняя Азия, древние государства.

КИРИШ. Қадимги Бақтрияning ижтимоий ҳолатини фақатгина сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиш мураккаб. Қолаверса, Рим тарихчиси Квирт Курций Руфинг (мил.авв. I асрнинг охири - милодий I асрининг ўрталари) “Александр Македонский тарихи” асарида Бақтрияning табиий-географик шароити атрофлича таърифланган. Унга кўра: “Бақтрия табиати бой ва турфа хилдир. Айрим ҳудудларида дараҳтлар қўп ва узумлар қўп ҳосил беради: экиладиган ерни булоқ суви билан суғорадилар: юмшоқ ерга буғдой экадилар, қолган ерларни чорвага қолдирадилар. Бу вилоятдан кундузи ўтиб бўлмайди, чунки борадиган йўлларнинг изларини топиб бўлмайди. Агарда шамол денгиз томондан эssa ҳамма ёқни кум қоплади. Лекин унумдор ерларда одамлар ва отлар кўплаб учрайди. Шу боис ҳам Бақтрия Аҳамонийлар қўшини учун 30 минг отлик суворий етказа олади. Бу вилоятнинг пойтахти Бақтрадир. У Парапамис (Ҳиндикуш тоғи) остонасида жойлашган. Уни ўраб турган деворлари олдидан Бақтр дарёси оқиб ўтади. Ана шу дарё шаҳар ва вилоятга ном берган”, -деб таъриф берилган эди[1].

ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ ВА АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ. Мақолани ёзишда асосий методологик ёндашувлар сифатида объектив-тарихий, тарихий-қиёсий ва мантикий ёндашувлардан фойдаланилди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ. Қадимги Хитой солномаси “Шицзи” да таъкидланишича, Даван давлатидан тортиб то Анси (Парфия) ерларига қадар ястаниб ётган Қанғ, Суғд ва Бақтрия ҳудудларида яшовчи аҳолининг тили мил.ав. II асрда бир-бирига яқин ва тушунарли бўлган[2]. Хитойшунос Н.Я Бичуринга кўра, ушбу маданият вакиллари туркий тилда сўзлашган. Аммо, Икки дарё оралигининг ўтрок аҳолиси антик даврда қўпроқ шарқий эрон тилларининг шеваларида сўзлашганлиги ҳам маълум бўлди[3]. А.Н.Бернштам Қанғ давлатининг шарқий эроний (суғдий) аҳолисини милодий I минг йиллик бошларидан туркийлашиб кетганлигини айтиб ўтади[4].

Чунки Ўрта Осиё ҳудудида юононлар ва юе-чжилар келгунига қадар ҳам қўп тармоқли, ривожланган ирригация тизими мавжуд эди.

Юононлар ва юе-чжиларнинг бу ҳудудга келиб жойлашиши қадимги суғориш тизимига жиддий таъсир этмади. Аксинча, юононлар бошқаруви даврида суғориладиган ерларнинг ҳажми анча ортди. Бақтрияning айрим жойларида дехқонлар орасида сўқа билан бир қаторда юононларнинг омочини ишлатиш кенг тарқалди[5].

Кушонлар тарихини ёритган олим Д.Шлюмберженинг бақтрияликларнинг дехқончилик маданиятига оид фикрлари ҳам буни тасдиқлайди. И.В.Пьянков эллинизм маданияти бўйича мутахассис сифатида “Бақтрия чегараси Гўйшўй (Амударё)дан жанубда тугайди” деган қарашга қўшилади. Қолаверса, мил. авв. II асрда Бақтрияning шимоли, яъни Суғд ерлари ҳам Бақтрия ҳукмдорларининг тасарруфида бўлган. Юононлар эса бир қадар илгарилаб, Бақтрияда полис – шаҳар тизими орқали бошқариш маданиятини олиб киргандилар[6]. Мил.авв. 280 иили Юонон-Бақтрияning Бақтра ва Ойхоним шаҳарларида зарбхона ташқил этилган[7]. Демак, Бақтрия шаҳарларининг иқтисодий эркинликка интилиши учун дастлабки қадам салавкийлар сулоласи даврига тўғри келади.

Марказий Осиё олимларининг бир қисми[8] хитой саёҳатчиси Чжан Цян фикрига қўшилиб, Бақтрия ҳудудининг шимолий қисмини (Гўйшўйдан ўнг томонидаги ерларни) ҳам тўлиқ ўтрок маданият маскани сифатида таърифлайдилар.

Соҳа мутахассиси Г.А. Пугаченкова Бақтрия ҳудуди юонон босқинидан кейин ёки Юонон-Бақтрия даврида шимолга – Суғдга қараб кенгайланлигини таъкидлаган. Шундай бўлсада, Шимолий Бақтрия кулолчилиги Суғд ва Хоразм кулолчилидан фарқ қиласр эди[9]. Бу ҳудудларни тадқиқ этган археологлар Амударёнинг чап ва ўнг соҳилларидаги сопол идишларнинг қолдикларини, эпиграфик ва нумизматик манбаларни ўрганиб, дарёнинг икки кирғогида жойлашган антик даврга оид манзилгоҳларни ягона этномаданий ҳудудга оид эканлигини исботлаганлар[10]. Хитой солномачилари Сима Цян, Ван Чжэн (милодий III аср) ва Ян Шигу (581-645 йиллар юе-чжиларнинг антропологик қиёфасини оқ танли европоидларга оид деб таъкидлаганлар.

ХУЛОСА. Марказий Осиё олимлари эса табиий иқлимининг ўзгариши, савдо йўлининг Ойханумни четлаб ўтиб кетиши каби омилларга суяниб хулосалар чиқаради. Ғарб олимлари Ойханумнинг инқирозига кўчманчилар Бақтриядаги ҳокимиятни эгаллагач, Ғарб билан савдо йўлининг асосий маркази Шимолий Бақтрияга кўчганлиги асосийси сабаб сифатида талқин этмоқдалар. Демак, кўчманчилар томонидан таланиб, ривожланиш жараёни секинлашган шаҳарларда савдо-сотик ўз аҳамиятини йўқотади. Бу эса уларнинг астасекин инқирозга юз тутишига сабаб бўлган, деган хулосани келтириб чиқаради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Лунин Б.В. История Узбекистана в источниках. Т., 1984. С.119.
2. Бичурин И.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. II том. М. 1950. С 161.
3. Подушкин А.Н. Уникальные эпиграфические артефакты городища Культобе.//Актуальные проблемы исторических дисциплин в системе образования Казахстана. Шымкент., 2008. С 15.
4. Литвинский Б.А. Кангюйско-сарматский фарн (к историко-культурным связям племен

южной России и Средней Азии). Душанбе. 1968. С. 20-21.

5. Попов А.А. Греко-Бактрийское царство. СПб., 2008. С 142.
6. Ртвеладзе Э.В., Двуреченская Н.Д., Горин А.Н., Шейко К.А. Монетные находки из крепости Узундара. //Краткие сообщение института археологии. №233. М., 2014. С. 153.
7. Ртвеладзе Э.В. Александрия Оксянская-Кампиртепа: Город-крепость на берегу Окса. Т., 2019.
- Пидаев Ш. Поселения Кушанского времени Северной Бактрии. Т., 1978, Ставиский Б.Я. “Кушанская Бактрия: Проблемы истории и Культуры”. М., 1977 ва бошқалар.
8. Пугаченкова Г.А. Халчаян. Т., 1966. С 43.
9. Ртвеладзе Э.В. Александрия Оксянская-Кампиртепа: Город-крепость на берегу Окса. Т., 2019. С 27.
10. Боровкова Л.А. Царство Западного края II-I в. до.н.э.(по “Ши цзи” и “Хань Шу”). М., 2001, С 155.
11. Kurbanbayeva, M. (2024). Fuqarolik jamiyatiga g‘oyalarining milliy davlatchiligidagi o‘rnini. // Tamaddun nuri jurnalı, 7(58), 247-250.
12. Kurbanbayeva, M. (2023). Abu Rayhon Beruniy hayotiga doir ba’zi mulohazalar. //Tamaddun nuri jurnalı, 9(48), 64-66.

